**Ушбу сонда:**
2 КОНСТИТУЦИЯ – ИСТИҚБОЛИМИЗ МАЁҒИ
3 TV-ДАСТУРИ
4 ТОМОШАБИН ТАЛАБИ – БОШ МЕЗОН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 23 ноябр, жума № 183 (1197)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*2001 yil — Onalar va bolalar yili*



*Истиқлол шарофати*

# АНГЛИЯЛИК ТАДБИРКОР ЎЗБЕК ХОНАДОНИДА

***Дабоққи қишлоғи азалдан қоракўл тери етиштирадиган масканлардан бири ҳисобланади. Олтиндек товланадиган маҳсулотларнинг харидорлари нафақат Бухорода, балки Россия, Олмония каби хорижий мамлакатларда ҳамиша кўп бўлган. Аждодлари касбини давом эттираётган Бобоқул Йўлдошев республикамиз мустақилликка эришган йили «Чевар» кичик корхонасини ташкил этган эди.***

Аҳолиси кўнчи-ҳунармандлик билан шуғулланган Буюк Ипак йўлидаги маскан қадимдан чармгарлар юрти ҳисобланган. Зеро, Қоракўлдан Хоразмга қадар улкан ҳудудда ястаниб ётган Бойхотин, Гуваржилли, Қизилқалъа сингари яйловларда минг-минглаб юқори сифатли тери берадиган қўй-қўзилар боқилади.

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида ўқиган ва туман давлат таъминоти идорасида оддий ишчиликдан раҳбарликкача бўлган йўлни босиб ўтган Бобоқул Йўлдошев истиқлол шарофати билан тадбиркорликка қўл урди.

Дастлаб кичик ишхона сифатида шаклланган, 40 нафар ишчи ишлайдиган кичик корхона кейинроқ заводга айланди. Терини ошлайдиган ва унга биринчи ишлов берадиган машина-ускуналар Украинанинг Кировоград шаҳридан келтирилди.

— Вилоятнинг қўйчилик хўжаликларига бориб, раҳбарлар, чўпон-чўлиқлар билан хомашё олишга шартнома туздим, — дейди тадбиркор. — Яйловма-яйлов юрганимиз беҳуда кетмади. Айни пайтда Жўрақул, Қаландар, Ҳамро Қорёғдиевлар, Бобораҳмат Жумаев, Саидбобо Шодиев, Асқар Қаландаров каби моҳир чўпонлар корхонамизни тери билан таъминлайдиган бўлдилар.

Оқибатда деярли йўқолиб кетган кўнчилик ҳунари қайта тикланди. Корхонада терини ошлаш, бичиш ва тикиш цехлари ишга тушди. Эндиликда қоракўл терисидан пальто, манто, пўстин, нимчалар, телпаклар тикилмоқда. Маҳсулотлар сифатли ва бежирим, жаҳон андозаларига мос. Шунинг учун ҳам Тошкент, Бухоро, Хоразм шаҳарларидан тадбиркорлар келиб, мамнуният билан харид қилишмоқда. Бир йилда 20-25 миллион сўмлик тайёр маҳсулот сотилмоқда.

Тери ошловчилардан Камол Собиров, Асад Бўриев, бичувчилардан Райхон Ортиқова, Алфия Очилова, тикувчилардан Насиба Йўлдошева, Матлуба Тошева, Дурдона Удаеваларни ҳақиқий қўли гул усталар деса бўлади. Жамоада меҳнат қилаётганларнинг барчаси маҳаллий ёшлардир. Улардан 25 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

— Ишчиларимизнинг кўпчилиги қариндош-уруғлармиз, — дейди Б.Йўлдошев. — Хушбичим либосларимизга АҚШ, Англия ва Туркиядан келган модельерлар ҳам юқори баҳо беришди. Бухорода бўлиб ўтган «Ташаббус-2001» кўргазмасида корхонамиз маҳсулотлари совринли ўринни эгаллади.

Энди 53 ёшни қаршилаган тадбиркор саховатпешалиги билан ҳам ажралиб туради. У яшаётган Ёдгор Сафаров номли хўжалик аҳолиси унинг ёрдамидан миннатдор. Бобоқул ака туман марказий шифохонасини таъмирлаш учун 1 миллион сўм, хўжаликда ўйингоҳ, кураш майдони ва теннис корти қуриш учун 1,5 миллион сўм маблағ ажратди. Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Мустақиллик байрамларида ўтказиладиган кураш мусобақаларига оталиқ қилиб, 800-900 минг сўмлик маблағ сарфлади.

Унинг ўғли Аҳрор ҳам қишлоқдаги кам даромадли ва ўзгалар ёрдамига муҳтож оилаларга ярим миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Ўзбек қоракўли териси шуҳратини тиклаган, спортга умрини бахшида этган, қишлоқдошлари ҳурматини қозонган Б. Йўлдошев корхонасида бўлган кишининг баҳри-дили очилади, унинг тадбиркорлик истеъдоди ва инсонийлик фазилатларига тан беради. Яқинда унинг оиласига англиялик тадбиркор-модельер Андрия хоним ёрдам учун келди.



**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Суратда:*** *Буюк Британиядан келган тадбиркор-модельер Андрия хоним Б.Йўлдошев оиласи даврасида.*



Куз ва қиш ойларида аҳолини газ билан таъминлашда ўзига хос мураккабликлар пайдо бўлади. Хусусан, ёнғиннинг олдини олиш долзарб масалалардан бирига айланади. Шу маънода Чирчиқ шаҳар газ таъминоти идораси мутахассислари, ички ишлар ходимлари, маҳалла ҳамда мавзелар фаоллари билан биргаликда амалга оширилаётган тадбирлар таҳсинга лойиқдир. Бўлаётган учрашувлар ва аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари ўз самарасини бермоқда.

**СУРАТЛАРДА: газ таъминоти идораси раҳбари А.Қамбарбеков ишчилар билан (ўнгда); газ таъминотининг яхшиланишида чилангар И.Москвичевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.**

**Ш.АКРАМОВ олган суратлар.**

## ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНИ

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлигига қарашли умумтаълим мактабларида «Президент асарлари билимдони» танлови якунланди. 2-республика кўптармоқли педагогика лицейининг 10-синф ўқувчиси Насиба Худойберганова танлов ғолиби бўлди. У энди танловнинг шу йил 12-14 декабрь кунлари Тошкентда ўтказиладиган якуний босқичида қатнашади.

## «БОБОЛОЧИН» ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги Н.Мирзаев номли ширкат хўжалигида «Бободочин» қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Ширкат хўжалигига қарашли қишлоқларда яшаётган 6 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатадиган ушбу муассасада терапия, жарроҳлик, стоматология ва гинекология бўлимлари бор. Пунктда меҳнат қилаётган учта малакали врач, саккиз ҳамшира қишлоқ аҳли дуосини олмоқда.

**(ЎзА)**

# Сўнгги хабарлар оқимидан

## АФҒОНИСТОН КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ

Ниҳоят, халқаро ташкилотлар ва маҳкамалар, йирик давлатлар раҳбарларини ўйлантираётган масала ўзининг ечимини топадиганга ўхшаб қолди. Олмония пойтахти Берлинда 26 ноябр куни Афғонистон ҳукуматини шакллантириш муаммосига бағишланган анжуманнинг ўтказилажаклиги маълум бўлди. Унда Афғонистондаги манфаатдор барча томонлар вакиллари БМТ ҳомийлигида мувaққат ҳукумат таркибини аниқлаши керак. Жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг фикрларига қараганда, Афғонистоннинг собиқ подшоҳи Муҳаммад Зоҳир шоҳ ҳамда тан олинган президенти Бурҳониддин Раббоний мавқелари алоҳида ўрин тутади.

## ЯКДИЛ ФИКР

Куни кеча Урдун подшоҳи Абдуллоҳ II Россия Федерациясига ташриф буюрди. Бу унинг Москвага иккинчи бор келишидир. РФ Президенти Владимир Путин ҳамда бошқа олий мартабали арбоблар билан бўлган учрашувларда халқаро терроризмга қарши кураш, Яқин Шарқдаги қалтис вазиятни бир қадар ижобий йўлга солиб юбориш ҳамда Афғонистон тақдирига даҳлдор бошқа масалалар хусусида фикр юритилди.

## АСЛАҲА ОМБОРИ ТОПИЛДИ

Бирлашган фронт қўшинларининг патрул хизмати ходимлари Қобул жанубидаги хуфья бир маскандан «Ал-Қоида» ташкилотига тегишли йирик қурол-аслаҳа омборини топиб олганлар. Омборда араб тилида битилган турли хил адабиётлар ҳам бўлган. Ядровий қуроллар ишлаб чиқаришга даҳлдор айрим ҳужжатлар кўпчиликни сергаклантирди.

## БИРГАЛИКДА КУРАШМОҚ КЕРАК

Маълумки, яқинда Брунеяда Япония бош вазири Дзюнитиро Коидзуми, Жанубий Корея президенти Ким Дэ Жун ҳамда Хитой давлати кенгаши раиси Чжу Жунцзи ўртасида учрашув бўлиб ўтган эди. Унда қатор муаммолар билан биргаликда халқаро терроризмга қарши биргаликда курашмоқ лозим эканлиги устувор вазифа қилиб қўйилган эди. Айни кунларда ҳар учала мамлакатда мазкур учрашувда белгиланган тадбирларни амалга оширишга фаол киришилди.

## ҲИСОБ-КИТОБЛАРГА ҚАРАГАНДА...

Шу йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган фожеалар натижасида мазкур мамлакат иқтисодиётига катта моддий зарар етказилгани рост. Ушбу зарарлар айни пайтда маълум даражада аниқ мазмунга эга бўла бошлади. Ҳисоб-китобларга қараганда Нью-Йорк шаҳрида рўй берган қўпорувчилик туфайли АҚШ 83 миллиард доллар миқдорида зарар кўрган. Шунингдек, 125 минг киши доимий иш жойидан айрилган.

## БРЮССЕЛДА КЎРГАЗМА

Белгия пойтахти Брюссел шаҳри айни кунларда турли касб соҳибларининг қизиқиб зиёрат қиладиган жойига айланди. Чунки, бу ерда очилган янги замонавий технологиянинг ҳозири ва истиқболига бағишланган 52-кўргазма, айтиш мумкинки, жаҳондаги «доно ақл соҳиблари»ни ўзига жалб қилди. Кўргазмада оддий авторучкадан тортиб, коинотшуносликка доир техника ва технологик ишланмаларнинг энг сўнгги намуналари намойиш этилмоқда.

**Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА

*Огоҳлик*

Болалик йилларимдаги бир воқеа тафсилоти ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди: Қўшнимизнинг уйига кимдир ўғирликка тушганда ёшу-қари — барча тўпланиб, уни ўртага олишгани, кейин эса қишлоқдан сазойи қилишгани ёдимда.

Ўшанда йиғилганларнинг юзидаги важоҳатидан шундай маънони уққандимки, гўё ўғри ҳамманинг уйига, мол-мулки, ризқ-рўзига кўз олайтирган, осойишталигига раҳна солган эди. Яхши хислатларни ардоқлаб, ёмонлик ва қабоҳатдан ҳазар қиладиган авлодларнинг ворсиси эканлигимизни яна бир карра қалбимга жо қилгандим.

Маълумки, АҚШда бўлиб ўтган даҳшатли воқеалар терроризмнинг мудҳиш башарасини очиб ташлади. Инсоният бошига тушган бу кўнгилсизлик бундан буён ҳар бир кишини ҳушёр ва огоҳ бўлишликка даъват этяпти.

Оҳангарон шаҳар аҳолиси ҳам дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни синчковлик билан кузатиб бормоқда. Айни пайтда ҳуқуқ-тартибот идораларининг ташаббуси билан ҳар куни маҳаллаларда, ташкилот ва муассасаларда, ўқув юртларида «Ўз уйингни ўзинг асра!», «Террорчиларга шафқат йўқ!» каби мавзуларда суҳбатлар ва мунозаралар ўтаяпти.

Лоқайдлик ва бепарволик қандай оқибатларга олиб келишини яхши ҳис қилган шаҳарликлар аҳоли турар-жойларида, маҳалла ва хонадонларда ҳушёрликни янада кучайтирмоқдалар. Мавжуд 155 та кўп қаватли уйларнинг аҳолиси билан тушунтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Айниқса, бу ерда ёшлар билан ишлаш ва уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Кейинги таҳлилларда шаҳар ёшларининг кўпчилиги вақтинчалик ишсиз юрганлиги маълум бўлиб қолди. Ана шу боис, шаҳар ва туман тасарруфидаги барча ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиниб, уларнинг аксарияти иш билан таъминланди. Шунингдек, 25 нафар ёш янги мутахассисликлар бўйича малака оширишга ва ҳунар ўрганишга юборилди.

Ҳаётимизнинг қайси жабҳасида бўлманг, ўша ердаги бунёдкорлик ишларида ёшларнинг иштироки ва улар саъй-ҳаракати таҳсинга лойиқ эканлигини кўриш мумкин. Ҳолбуки, самарали меҳнат янада қарор топиши учун ишдан сўнг, бўш вақтларда яхши дам олиш ҳам керак. Аммо кузатувлар Оҳангарон шаҳридаги ёшлар яратилган шарт-шароитлардан унчалик қониқмаётганликларини кўрсатмоқда. Масалан, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда, шаҳарда турли майда жиноятчилик кўринишлари сони бирмунча ўсган. Шу боис, шаҳар прокуратураси ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорликда қатор тадбирлар ишлаб чиқдилар.

Эндиликда шаҳардаги маҳаллаларда ва клубларда, истироҳат боғи ҳамда хиёбонларда ҳар куни турли кечалар, фахрийлар билан учрашувлар, шунингдек, оилавий санъаткорларнинг концертлари уюштирилиб туриши анъанавий тусга кирган. Бундан нафақат ёшлар, балки шаҳардаги барча аҳоли ҳам мамнун бўлмоқда.

Яна бир гап. Жиноятларнинг аксарият қисми ҳуқуқий малаканинг етишмаслиги сабабли содир этилади. Шунинг учун шаҳар прокуратурасида алоҳида гуруҳ тузилди. Ҳуқуқшунослар ва малакали мутахассислардан иборат гуруҳ аъзолари ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари муассаса ва ташкилотларда, мактабларда бўлишиб, дарс соатларини ташкил этишяпти. Бу, албатта, самарасиз қолмайди. Зеро, мақсадимиз ягона — ёшларимизнинг баркамол авлод бўлиб етишишини таъминлаш ва мустақил юртимизда тинчлик-хотиржамлик бўлишига эришишдир.

**Иноят ШУКУРОВ,**
**Оҳангарон шаҳар прокурори.**

# ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

***Мамлакатимизда Франция ташқи ишлар вазирлигининг Франкофония ва ҳамкорлик масалалари бўйича вазири Шарл Жосселен раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди. Ташриф аввалида делегация аъзолари мамлакатимиз ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.***

Учрашувда Ўзбекистон-Франция ҳамкорлиги самарали кечаётгани ва халқаро масалаларда икки давлатнинг нуқтаи назари бир-бирига жуда яқин экани таъкидланди. Бу эса ҳар томонлама алоқалар ривожи учун муҳим.

Музокарада ўзаро ҳамкорлик алоқалари, минтақадаги вазият ҳамда Афғонистон халқига ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ масалалар ҳусусида фикрлашиб олинди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида ҳам бўлди.

**(ЎзА)**

*Бир хат изидан*

# ИШ ҲАҚИ НЕГА КЕЧИКЯПТИ?!

***Таҳририятда «Тошкент иссиқлик маркази» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишловчилари номидан 30 дан ортиқ имзо билан шикоят хати олинди. Унда ишчилар 4 ойдан буён иш ҳақларини ололмаётганликлари, айрим имтиёзлар бекор қилинганлиги, мукофотлар берилмаётганлиги, ҳиссадорлик варақаси бугунги кунгача ишчиларнинг қўлларига тегмаганлиги сабабли тажрибали мутахассислар бошқа корхоналарга кетиб қолаётганлиги каби аянчли аҳвол баён этилганди.***

***Ҳар бир хат ортида инсон тақдири турганлиги боис бу муаммони жойида ўрганишга жазм этдик. Ишни ишчилар билан суҳбатлашишдан бошладик.***

**Электр пайвандчи Абдулла Шоназаров:**

— Мен шу цехда 1977 йилдан буён ишлаб келаман. 5 нафар фарзандим бор. Охирги иш ҳақимни 8 ноябрда июл ойи учун олдим. Пулимни коммунал хизмат, электр қуввати ва бошқа қарзларга бериб тугатдим. Бошқа ойлар иш ҳақини беришганда эди, қарзларимдан тўла қутулган бўлардим. Бошқа оладиган нарсалар эса ҳисобсиз.

**Электр устаси Георгий Кабарди:**

— Корхонадан сира кетгим йўқ. Сабаби 20 йилдан буён шу ерда ишлайман. Қанчадан-қанча шогирдлар тайёрладим. Бу цех менга иккинчи уйимдек бўлиб қолган. Аммо, иш ҳақини ўз вақтида беришолмаётгани сабабли ариза ёзиб кетиб қолгим келади-ю, яна ўзимни босаман. Оиламиз бахтига яхшиям онам бор эканлар. У кишининг пенсиялари ҳисобига бир амаллаб яшаяпмиз. Ҳар нарсанинг ҳам чеки бўлиши керак-ку, ахир.

**Электр цехи бошлиғи Эркин Муҳаммадиев.**

— Ходимларимиз пул йўқлигидан 3-4 километр жойдан ишга пиёда келишади. Цехимиз таъмирга муҳтож, эҳтиёт қисмлар йўқ. Транспорт воситаси эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Телефонлар пул тўланмаганлиги боис узиб қўйилган. Ҳамма муаммо ўз вақтида пул берилмаётганлигидадир.

(Давоми 2-бетда)





*2001 йил — Оналар ва болалар йили*

# БОҒЧАДА «ҚЎҒИРЧОҚ» ТЕАТРИ

***Денов туман марказида жойлашган 23-мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятини бошлаганига эндигина етти йил бўлди. Айни кунда боғчада беш-гуруҳда 85 нафар бола тарбияланмоқда. Уларга мактабгача таълим мутахассислари Римма Исмоилова, Валентина Хусамиддинова, Ойниса Зиёева, Нафиса Худойназарова каби олий тоифали тарбиячилар тарбия бермоқдалар.***

Боғчада «Соғлом-жон-полвонжон», «Диққат, светофор», «Ватанимни куйлайман», «Менинг ўйинчоқларим» каби ўнлаб тадбирлар ўтказиш анъанага айланган.

Тиниб-тинчимас мудира Салима Худойназарова яқинда болажонлар учун «Қўғирчоқ» театрини ташкил қилди. Жажжилар жамоаси Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Республика қўғирчоқ театри» кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли III-ўринни эгаллади. Боғчага эсдалик совғалари ва пул мукофоти топширилди.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**
**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

*Савоб ишни ҳар куни, ҳар ким қилиши керак*

Хўжаободда туман ҳокимлиги, Қизил Ярим ой жамияти ижтимоий таъминот бўлими ҳамда прокуратура ташаббуси билан "Ногирон болалар маркази" барпо этилди.

## ЎКСИК ДИЛЛАРНИ ХУШНУД ЭТИБ

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, туман ҳудудида 538 нафар ногирон болалар бўлиб, уларнинг фақат ярми махсус мактаб-интернатларда тарбияланар экан, қолганлари эса ота-оналари ихтиёрида. Очиғи ҳамма оилаларда ҳам ногирон болаларнинг тўлақонли ҳунар ўрганишлари, бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказишлари учун, ўзлари яхши кўрган спорт турлари билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратилган эмас. Шу боисдан туман жамоатчилиги ташаббуси билан ҳомийлар ва саховатпеша маҳаллий тадбиркорлар маблағлари эвазига қайта қурилган ва замон талаблари даражасида жиҳозланган бу маскан эндиликда кўнгли кемтик, лекин тенгдошлари каби ҳаётга интилувчан, кўп нарсани билгиси келаётган, халқига фойдали ҳунар ўрганишга иштиёқманд ногирон болалар, уларнинг ота-оналари учун Оналар ва болалар йилида муносиб совға бўлди.

Марказда эндиликда тумандаги ногирон болалар шифокорлар, ўқитувчилар, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ёрдамида ўқишларини давом эттиришлари, фикр доираларини кенгайтиришлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари ва ҳунар ўрганишлари мумкин. Бунинг учун улар ихтиёрига компьютер хоналари, устахоналар, рассомчилик, мусиқа, дурадгорлик билан шуғулланадиган махсус хоналар ва ўқув кабинетлари, спорт заллари бериб қўйилган.

"Ногирон болалар маркази" очилиши маросимида, шунингдек, ҳомий ташкилотлар ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан ногирон болаларга махсус аравачалар, қўлтиқ таёқлар, кийим-бошлар, кўзойнаклар, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**"Туркистон-пресс"**

## «ЗИЛОЛА»НИНГ УЧ МИЛЛИОНИ

Қизилтепа туманидаги «Зилола» жамоа корхонаси ҳудудидаги Абдулла Қаҳҳор номли 13-мактабга уч миллион сўмлик оталиқ ёрдами кўрсатилди. Корхона томонидан мактаб шу куннинг талаблари асосида таъмирдан чиқарилди. Маиший хизмат ва қурилиш ишлари билан шуғулланаётган корхонанинг ўқув масканларига бу биринчи ҳомийлик ёрдами эмас. Жамоа ўтган йили Тошроботдаги мактаб-интернатда тўла таъмирлаш ишларини бажарган ва мактабга ўқув жиҳозлари ҳадя қилган эди.

«Зилола» ўз имкониятларини йилдан-йилга кенгайтириб бормоқда. Агар ўтган йилнинг 9 ойида 142 миллион сўмлик иш бажариб, уч миллион сўм соф даромад олган бўлса, бу йил 200 миллион сўмлик иш бажарди. Олинган даромад 4 миллион 608 минг сўмни ташкил этди. Бу ўз навбатида 210 нафар ишловчининг моддий манфаатдорлиги ошишига олиб келди. Уларнинг ўртача иш ҳақи 25 минг сўмга етди.

Ишловчиларга кунлик иссиқ овқат, йўл ҳаражатлари корхона ҳисобидан берилмоқда. Шу мақсадга 25 миллион 646 минг сўм сарфланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонларга 2 миллион сўм маблағ ажратилди.

**Я.САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Япония Халқаро маданий алмашув жамғармаси дастури доирасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жаҳон тиллари кафедрасининг япон тилини ўрганаётган талабаларига шу тилдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари топширилди.***

## ЯПОН ТИЛИНИ ЎРГАНУВЧИЛАРГА ТУҲФА

Ҳозирга қадар Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Шарқшунослик институтининг талабалари ҳам япон тили, маданияти, урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилувчи шундай китобларни олган эди.

60 га яқин номдаги янги дарслик ва қўлланмани Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним топширди.

**(ЎзА).**

*Сиз кутган учрашув*

# МЕЛИС АБЗАЛОВ: ТОМОШАБИН ТАЛАБИ — БОШ МЕЗОН

***Кино аҳлининг бир-бирига айтадиган гапи кўп бўлади. «Фалончи филмни кўрдингми, сценарийни ўқидингми?». Мелис Абзалов билан мулоқотда бўлганимда эса гап ҳамиша томошабинга келиб тақалади. Бир гал Хитойнинг Урумчи шаҳридаги катта кинотеатр залида «Келинлар қўзғолони»ни бажонидил кўраётганларга ишора қилиб завқ-шавқ билан шундай деганди:***

— Бундай манзарани кўрганимда чарчоқларим унут бўлади, кучимга-куч қўшилади. Қаранг: ўзбек филмининг асл нусхаси — таржима, дубляж қилинмаган нусхасини хитой, уйғур дўстларимиз қизиқиш билан кўрмоқда. Шундай дақиқаларни кутиб ижод этасан-да...

Дарҳақиқат, зал кино муҳлисларига лиқ тўла эди. Биз режиссёр билан филмнинг ёд бўлиб кетган кадрларини бироз кўрдик. Томошабин мириқиб кулгандан завқ олдик. Кино асарларимизни хорижий мамлакатларда муттасил намойиш этиб туриш қанчалик зарур эканлиги ҳақида ўйладик.

Куала Лумпурнинг кўмкўк дарахтлар, сон-саноқсиз гуллар билан безалган озода кўчалари бўйлаб сайр қилганимизда ҳам фикри-зикримиз кинода, унинг истиқболида бўлди.

Мелис Малайзия киноакадемиясида ўқиётган ёшларга ҳаваси келганлигини гапириб қолди.

**— Юртимизда ҳам шундай киноакадемия бўлса, у ерда жумладан «Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, кинорежиссёр Мелис Абзалов устахонаси» ташкил этилса, ишни нимадан бошлар эдингиз?**

—Кинони кўпчилик яратади — миллионлар учун яратилади у. Шуни ёдда сақланг, деди ҳамсуҳбатим. Агар асарингиз архивда чанг босиб ётса, сизга зарар, жамиятга зарар, деб гап бошлар эдим. Аслида ўзим ҳам асарим ҳар кимнинг кўнглига дарҳол йўл топиши кераклиги ҳақида ҳамиша ўйлайман. Қаҳрамон, сценарий, филмнинг шаклини танлашда шунга аҳамият бераман. «Чинор остидаги дуэль», «Суюнчи», «Келинлар қўзғолони», «Чимилдиқ», «Ўтган кунлар» каби филмларим экранда қайта-қайта кўрсатилганида, менга хат йўллашганида, қўнғироқ қилиб миннатдорчилик сўзларини айтишганида енг шимариб янги асарга қўл ургим келаверади.





**— Сиз режиссёрлик қилган филмларнинг сони ўндан ошиб кетди, сиз ўйнаган ролларнинг сони эса беҳисоб. Айтинг-чи, режиссёр Абзаловга актёр Абзалов кўмаклашадими?**

— Кинони синтетик санъат дейишади. Режиссёрнинг билими қанчалик кенг, чуқур бўлса, филм шунчалик теран, «томошабинбоп» бўлади. Мен бир вақтнинг ўзида актёрлик фаолияти ҳамда режиссура билан банд бўлишим ниҳоятда фойдали, деб биламан. Актёр сифатида постановкачининг фикри, ҳис-ҳаяжонини англашга ўрганаман, режиссёрлик қилаётганимда ижрочи қалбига қандай қилиб йўл топиш мумкинлигини сезиб тураман.

**— Ўзингизнинг филмингизда рол ижро этганингизда-чи?**

—Ёнимдаги актёрнинг реакциясига, менинг ҳатти-ҳаракатимга бўлган муносабатига қарайман.

**— «Ўтган кунлар»нинг янги экран талқини ҳақида ўйлаганингизда унинг қайси фазилатларини «йирик планда» кўрсатмоқчи бўлгансиз?**

— Икки серияли филмда романдаги воқеа, образ, манзара, диалог, ҳатто матнни иложи бўлса кўпроқ сақлаб қолишга интилган эдик. Абдулла Қодирий қаламига мансуб ҳар бир боб, жумла менга қадрли, мўътабар. Улар экранбоп асар яратиш учун асос бўла олишини сценарий ёзилиши, филм суратга олиниши, актёрлар ранг-баранг роллар устида ишлаши жараёнида кўрдим.

**— Филмларингиз кўпроқ мустақил адабий асарлар — роман, пьеса, ҳикоя, эртак асосида яратилаяпти. Бу анча мураккаб ижодий жараёндан кўнглингиз тўладими? Менга қолса, филмлар экран қонуниятлари ҳисобга олиниб ёзилган мустақил адабий сценарийлар заминида вужудга келишини кино амалиёти тақозо этади.**

— Қани энди шундай сценарийлар бўлса! Бажонидил экранлаштириб томошабинни хурсанд қилардик. Ҳозирча профессионал ўзбек кинодраматурглари ниҳоятда кам... Кейин шуни ҳам қайд этардимки, сиз айтган китоблар, спектакллар заминида филм яратиш мураккаброқ, оғирроқ. Чунки режиссёр оригинални — китобнинг руҳини сақлаб қолиши керак, айни бир вақтда у экран асарини (адабиёт асарини эмас) яратаётганини ёдда сақлаши лозим.

**— Янги асарларингизда ҳам шу каби тамойилларга амал қилгансиз, чамаси: «Мешполвон», «Зумрад ва Қиммат»нинг ҳам адабий пойдевори бор.**

— Ҳа, Анвар Обиджоннинг асарини зўр қизиқиш билан экранга кўчирдик. Ҳозир эса ўзбек халқ эртакларидаги инсонпарварлик фикрнинг экран талқини ҳақида ўйлаяпман. Бу гал телевидениени назарда тутиб болалар учун филм яратиш тараддудидаман. Аслида мен ёшлар, болалар киноси режиссёри сифатида ижодни бошлаган эдим. «Томоша» кинoновелласи, «Чинор остидаги дуэль» киноқиссасини суратга олганимда устозим Данелия оқ фотиҳа бериб, «болалар қалбига йўл топасан, шунга сенда мойиллик, истеъдод бор, оқ йўл сенга», деган эди. Устозимни, томошабиннинг ишончини оқласам, бахтимнинг чеки бўлмайди...

**Суҳбатдош:**
**Ҳамидулла АКБАРОВ.**

## «УМИД НИҲОЛЛАРИ» БЕЛЛАШУВИ

Мамлакатимизда баркамол ва соғлом авлодни вояга етказиш доимий эътиборда. Бу борада ёшлар учун турли спорт мусобақаларининг мунтазам ташкил этилиши яхши анъанага айланиб қолди. Айниқса, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизими ёшларининг «Баркамол авлод», олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада» каби ўйинлари тобора оммавийлашиб боряпти.

«Умид ниҳоллари» мусобақалари эса мактаб ўқувчиларини спортга жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Волейбол, баскетбол, футбол, сузиш, енгил атлетика, кураш, теннис каби спортнинг ўн бир туридан иборат ушбу мусобақаларда барча вилоятлар, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикасидаги мактабларнинг 1-11-синф ўқувчилари фаол қатнашаётир. Ҳозир мусобақанинг туман босқичи якунланиб, вилоят босқичига тайёргарлик бошланди.

Беллашувнинг якуний - республика биринчилиги 2002 йил апрель ойида Фарғона шаҳрида бўлиб ўтади.

*Футбол*

# КУМУШ МЕДАЛ СОҲИБИ

## сўнгги турда маълум бўлади

***Сир эмас, жуда кўпчилик мухлислар ва мутахассисларнинг аксарияти чемпионлик Ўзбекистондаги энг атоқли команда — «Пахтакор»га насиб этади, деган фикр билан футбол мавсумини қаршилаб олганди. Бунинг учун асослар ҳам етарли эди. Кимсан Виктор Жалилов бошчилигида «Навбаҳор» жамоасининг етакчи ўйинчилари, қолаверса бошқа клублардан жалб этилган қатор иқтидорли ўйинчилар билан тўлдирилган ва кучайтирилган «Пахтакор» учун ўзгача вазифанинг қўйилиши ҳам мумкин эмас ҳол эди-да!***

Афсуски, майдон текис, тўп думалоқ деганларича бор экан. Орзулар саробга айланиши мумкинлигидан дарак бериб иккинчи учрашувдаёқ пойтахт футболчилари майдонни бош эгиб тарк этдилар. Ўшанда пахтакорчиларни Қаршининг «Насаф» жамоаси 2:0 ҳисобида енгганди. Тақдир тақозоси билан, қарангки, айнан ушбу клублар яна бир кундан сўнг ўзаро баҳсда кимга кумуш медал насиб этишини аниқлаб оладилар. Бу ҳар икки жамоа 35-турда юз фоизлик натижага эришгач маълум бўлди.Мавсумни анча текис ўтказаётган «Насаф» ўзи учун муҳим бўлган учрашувни қийинчилик билан бўлса-да, ғалаба билан якунлади. Олий лигада қолиш ёки қолмасликдек мураккаб масала ечимига астойдил киришган Бекободнинг «Металлург» футболчилари, айтиш жоизки, анча ёркин ўйин намойиш этишди ва сал бўлмаса дурангга эришишлари ҳам мумкин эди. Энди улар ўзлари учун ҳал қилувчи сўнгги нуқтани Термиз шаҳрида қўйишга мажбурдирлар. Вазият шундайки, олдиндан бир нарса дейиш қийин. «Сурхон» учун ҳам ғалаба сув билан ҳаводек зарур. Чунки Термизликлар «Пахтакор» билан кечган ўйинда мураббий кўрсатмасини бажара олмадилар ва 0:2 ҳисобида учрашувни бой бериб, жуда оғир аҳволга тушиб қолдилар.

Кўриниб турибдики, аутсайдерларнинг ўзаро баҳси кумуш медал тақдири ҳал бўладиган «Насаф» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўладиган муросасиз беллашувдан кам даражада қизғин кечмаслиги аниқ. «Насаф»ни ҳам, «Металлург»ни ҳам дуранг натижа қониқтиради; аммо бу фикрни уларнинг рақибларига нисбатан асло қўллаб бўлмайди: «Пахтакор»га ҳам, «Сурхон»га ҳам фақат ғалаба зарур!

Бу тур бир қанча йирик ҳисоблар қайд этилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Хусусан, «Нефтчи»нинг муддатидан илгари чемпионликни қўлга киритиши билан «собиқ»қа айланган «Дўстлик»нинг Бухорода 0:4 ҳисобида мағлубиятга учраши унинг мухлисларини қаттиқ ранжитди. Умуман, иккинчи давра Тошкент вилояти клуби учун ўта қониқарсиз кечди ва унинг турнир жадвалидаги бугунги аҳволи, ана шу аянчли мағлубиятлар оқибатидир, десак асло муболаға бўлмас.

Яна уч матчда йирик ҳисоб қайд этилди: «Қизилқум»-«Кимёгар» — 4:1, «Нефтчи»-«Зарафшон» — 5:2, «Андижон»-«Турон» — 6:1. «Самарқанд-Д» футболчилари эса Тошкентнинг «Трактор» командаси устидан 4:2 ҳисобида зафар қучиб, тўққизинчи ўринга кўтарилиб олдилар. Фақат бир учрашувда битимга имзо чекилди: «Сўғдиёна»-«Академия» — 1:1.

Шундай қилиб, футбол чемпионатимиз поёнига етмоқда. Эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган хато-камчиликлар хусусида насиб этса, газетамизнинг келгуси сонларидан бирида муфассал баҳс юритамиз.

**35-турдан кейинги вазият**

| ЖАМОАЛАР | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.«Нефтчи» | 33 | 26 | 3 | 4 | 90-27 | 81 |
| 2.«Насаф» | 33 | 22 | 5 | 6 | 81-45 | 71 |
| 3.«Пахтакор» | 32 | 21 | 3 | 8 | 62-30 | 66 |
| 4.«Навбаҳор» | 33 | 19 | 1 | 13 | 73-51 | 58 |
| 5.«Академия» | 33 | 15 | 11 | 7 | 69-44 | 56 |
| 6.«Қизилқум» | 33 | 16 | 5 | 12 | 47-33 | 53 |
| 7.«Бухоро» | 33 | 15 | 2 | 16 | 56-59 | 47 |
| 8.«Трактор» | 33 | 13 | 7 | 13 | 54-56 | 46 |
| 9.«Самарқанд-Д» | 33 | 14 | 3 | 16 | 61-65 | 45 |
| 10.«Андижон» | 33 | 14 | 3 | 16 | 60-58 | 45 |
| 11.«Дўстлик» | 33 | 13 | 5 | 15 | 71-59 | 44 |
| 12.«Сўғдиёна» | 33 | 13 | 5 | 15 | 43-51 | 44 |
| 13.«Зарафшон» | 33 | 11 | 7 | 15 | 50-55 | 40 |
| 14.«Металлург» | 33 | 9 | 11 | 13 | 41-58 | 38 |
| 15.«Сурхон» | 33 | 12 | 1 | 20 | 41-70 | 37 |
| 16.«Кимёгар» | 33 | 9 | 6 | 18 | 35-59 | 33 |
| 17.«Турон» | 33 | 8 | 6 | 19 | 39-74 | 30 |
| 18.«Семурғ» | 33 | 2 | 4 | 27 | 35-115 | 10 |

## ЖАВОБ УЧРАШУВИ МОНТЕВИДЕОДА

Айни кунларда аксарият футбол мутахассислари ва мухлисларнинг эътибори келаси йили Жанубий Корея ва Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати финал қисмида қатнашиш ҳуқуқини берувчи сўнгги йўлланма учун Австралия ҳамда Уругвай терма жамоалари ўртасида кечадиган баҳсга қаратилган.

Австралияликлар Мельбурн шаҳрида Уругвай терма жамоасини қабул қилиб, биринчи учрашувда кичик ҳисобда ғалаба қозонди. Ўйиннинг 79-дақиқасида Кевин Маскат ўн бир метрлик белгидан учрашувдаги ягона тўпни киритди. Жаҳон чемпионатининг ўттиз иккинчи йўлланмаси соҳиби якшанба куни Монтевидеодаги жавоб учрашувидан сўнг маълум бўлади.

**(ЎзА).**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 3024. 1 2 3 4 5 6